

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

РЎЗМЕТОВ РАСУЛ СОБИРОВИЧ

**ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИДА
GIS ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Рўзметов Расул Собирович

Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш тизимида GIS
технологияларидан фойдаланиш асослари..... 3

Рузметов Расул Собирович

Основы использования GIS технологий в системе борьбы против
вредителей и заболеваний..... 19

Ro'zmetov Rasul Sobirovich

Basics of application GIS technology in systems to combat pests and
diseases..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

РЎЗМЕТОВ РАСУЛ СОБИРОВИЧ

**ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ТИЗИМИДА
GIS ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx215 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университети ва Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyoueb» Ахборот-таълим порталида (www.ziyoueb.com) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаев Икрам Искандарович,
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Торениязов Елмурот Шерниязович,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Зупаров Миракбар Абзалович,
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: ЎЗРФА Зоология институти


Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «26» ноябри соат 15³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 542111 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2- уй. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «13» ноябри кунини тарқатилди.
(2020 йил «21» октябри даги 03.2 рақамли ресстр баённомаси).




Б.А. Сулаймонов,
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., академик


Я.Х. Юлдашов,
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор


Э.Т. Бердиев,
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аниотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича кишлок хўжалик экинларининг зарарли организмларидан: бегона ўтларнинг 30 минг, ҳашаротларни 100 минг, нематодаларни 3 минг, замбуруғларнинг 12 минг, бактерияларни 100, вирусларни 600 тури маълум. Уларнинг зарарли таъсири натижасида экинлар ҳосили ўртача 33,7% камаяди. Шундан 12% касалликлар, 12% ҳашаротлар, 10% бегона ўтлар томонидан зарарланиши туфайли ҳосил камайишига олиб келади. Зарарли организмлар АКШда йилига 9,1 миллиард доллар зарар келтириши, ҳашаротлар 7,7 миллиард доллар зарар келтирилиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ғўзанинг 16% ҳашаротлар, 14% касалликлар таъсирида нобуд бўлиши ўрганилган, Хитойда ҳам шунга мос равишда ҳосил нобуд бўлгани аниқланган¹.

Жаҳонда ўсимликларни химоя қилиш тизимида GIS технологияларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлар тарқалган майдонларни аниқлаш, кўп йиллик маълумотларни географик таҳлил қилиш, экологик омиллар ўзгариши асосида зараркунанда организмларни пайдо бўлиш ўчоқларини аниқлаш, хариталарини тузиш усуллари ишлаб чиқилган. Ернинг сунъий йўлдошлари маълумотларини ҳамда даладан олинган кўп йиллик маълумотларни таҳлил қилиш ёрдамида ғўза тунлами ва бошқа зарарли организмлар тарқалишини башорат қилиш юзасидан тадқиқотлар кўлами кенгаймоқда.

Республикамизда кузги тунлам, ғўза тунлами, ёввойи тунлам каби зараркунандалар ғўза, сабзавот ва бошқа экинлар ҳосилини 30-40% нобуд бўлишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, зараркунандалар ва касалликларнинг худудлар бўйича тарқалиш даражасини GIS технологиялари асосида башорат қилиш, қарши кураш ва назорат қилиш борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида «Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.² Ҳозирги кунда рақамли технологиялар асосида зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар ҳолати тўғрисидаги объектив маълумотлар, экологик омиллар ва уларнинг ўзгаришини билган ҳолда қарши кураш чораларини олиб бориш зарурати туғилмоқда. Бу маълумотларни тўплаш, тезкор таҳлил қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, солиштиришда GIS технологияларидан фойдаланиш кулайдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида” ПФ-5806 Фармони ва 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда кишлок

¹ Флорова А.Н. Современные тенденции фитосанитарного мониторинга и прогноза // Вестник защита растений. Санкт-Петербург: Пушкин, 2010, №2 С 3-11.

² Мирзиёев Ш.М. ПФ-4947- сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Президент Фармони. –Тошкент. 2017 йил 2 феврал.

хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сон қарори, 2020 йил - Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили давлат дастури ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлани-шининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. АҚШ нинг тоғолди ҳудудларида ёруғлик тузоқлари ёрдамида *Helicoverpa zea* йиғилиб GIS дастури орқали уларни тарқалиш ареаллари ва зичлиги бўйича хариталар ишлаб чиқилган. З. Лу ва бошқа бир катор тадқиқотчилар (2006) кундалик ҳароратни ҳисоблаб GIS дастури ёрдамида Хитойнинг Синьцзян ҳудудида *Helicoverpa armigera* пайдо бўладиган ҳудудларни аниқлаш усулларини тадқиқ қилган. Буюк Британия табиий ресурслар институти билан Эдинбург университети ходимлари ҳамкорликда саҳро чигирткаси популяциясини назорат қилиш учун RAMSES тизимини яратган.

МХД да ҳам муҳим илмий-тадқиқот ишлар амалга оширилган. Санкт-Петербург давлат университети олими И.В. Манилов қишлоқ хўжалик ерлари ва экинларнинг ҳолатини масофадан зондлаш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Россиянинг космик тадқиқотлар институтида В.О.Жарко ўрмон дарахтларини масофадан туриб ҳолатини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борган. Республикамизда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунанда ва касалликлари ривожланишини башорат қилиш ҳамда ушбу башоратлар асосида биологик кураш усулларини қўллаш масаласи бўйича К.И.Ларченко, Б.П.Адашкевич, С.Б.Запевалова, О.П.Мороко, Ю.Турапов, Ш.Т.Хўжаев, Х.К.Яхяев, Х.З.Абдуллаевлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Шунингдек республикамиз шароитида Т.Ц. Панфилова томонидан олманинг цитоспороз касаллиги, А. Исроилов ва О.Т. Хўжаевлар томонидан Тошкент вилояти шароитида бу касалликни хусусиятлари ўрганилган. Қишлоқ хўжалик экинларининг зарарли организмлари, хусусан гўза тунлами, олмазорларда цитоспороз касалликлари ривожланишини GIS технологиялари ёрдамида башорат қилиш, хариталарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, шу маълумотлар асосида биологик, кимёвий кураш усулларини қўллаш Ўзбекистонда етарлича тадқиқ қилинмаган. Ҳозирги кунда иктисодиёт тармоқларига рақамли технологияларни жорий қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида рақамли технологияларни жорий қилишда GIS дастурлари, космик маълумотлар ёрдамида зараркунанда ва касалликлар тарқалган ареалларни ўрганиш, касалликларни олдиндан аниқлаш ва уларга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш бугунги куннинг муҳим, долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-9-48 “Зараркунанда ҳашаротлар экологик мониторинги ва миқдорини олдиндан аниқлаш ва бошқаришнинг замонавий тизимини ишлаб чиқиш” (2010-2013 йй) мавзусидаги илмий-амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилояти шароитида қишлоқ хўжалик экинлари ва дарахт ўсимликларини зараркунанда ва касалликлари тарқалиш мониторингини GIS (Географик инфор­мацион тизимлари) технологиялари асосида ўрганиш ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

GIS технологияси асосида дала экинлари зараркунандаларини экологик мониторинг услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

манзарали ва мевали дарахтларнинг зараркунандаларини GIS технологиялари асосида мониторинг қилишни тадқиқ этиш;

ғўза зараркунандаларини экологик тарқалиш мониторингини GIS технологияси асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

GIS технологияси асосида ғўзанинг ғўза тунлами ва олманинг цитоспороз касалликларига қарши кураш чора-тадбирлари бўйича дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм воҳаси шароитидаги қишлоқ хўжалиги экинлари, ғўза, мевали боғлар ва манзарали дарахт турларида учрайдиган зараркунандалар, ўсимликларни химоя қилиш воситаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот предмети бўлиб GIS дастури, ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb), қайрағоч барғхўри (*Galerucella luteola* Müll), шаҳар мўйловдори (*Aeolesthes sarta* Solsk), терак қандаласи (*Monosteira discoidalis* Jak), осие чигирткаси (*Locusta migratoria* L.), цитоспороз (*Cytospora* sp.) касаллигининг ривожланиши ва тарқалишини башорат қилиш ва ўсимликларни химоя қилиш услублари ҳамда мониторинг тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда ўсимлик зараркунандаларини ҳисобга олиш, уларнинг биоэкологик хусусиятлари, энтомологик тадқиқотлар С.А.Мурадов, В.И.Танский, прогнозлаштириш К.И.Ларченко, С.Б.Запевалова, О.П.Мороко, М.Бабаханова, И.Я.Поляков, С.П.Саулич, Г.С.Сергеев, С.А.Левина, Е.М.Доронина услубларидан фойдаланилди. Ш.Ходжаев, З.К.Кади­ров, А.А. Абдуваҳобовларнинг “Методические указания по применению феромонов для надзора за развитием озимой совки и определения сроков выпуска трихограммы против неё на посевах хлопчатника и др. с.-х. культур” (1985) қўлланмасидан, аграр соҳани ривожлантиришда ахборот технологиялари, мониторинг, прогнозлаштириш, режалаштириш, бошқариш Х.Яхяев, Х.Абдуллаевлар услублари бўйича, Н.Авезбаевнинг “Геомаълумотлар базаси ва архитектураси” (2015) қўлланмаси бўйича, тажрибалардан олинган натижаларни статистик таҳлиллари Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А. Доспехов услубларидан, биологик

самарадорликни аниқлаш Аббот тенграмаси асосида, тадқиқот ҳудудини геофизик, геостатистик, географик такқослаш, картографик, аэрокосмик методлари, Hydrus 1D моделидан, математик-картографик алгоритмлар R-studio муҳитидаги моделлаштиришдан ҳамда хариталар ишлаб чиқишда ArcGIS дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор GIS технологияси асосида кишлоқ хўжалиги экинларнинг зараркунандалари (ғўза тунлами, шаҳар мўйловдори кўнғизи, қайрағоч баргхўри, терак қандаласи) экологик мониторинги бўйича рақамли хариталар яратилган;

ғўза тунлами, шаҳар мўйловдори, қайрағоч баргхўри ва олманинг цитоспориоз касалликлари ривожланишини GIS технологияси асосида башорат қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

GIS технологияси асосида экинларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши кураш муддатлари ва усуллари қўллаш тизими баҳоланган;

GIS технологияси асосида ўсимлик зараркунанда ва касалликларга қарши кураш чора-тадбирларини олдиндан қўллашнинг самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

GIS технологияси асосида ғўзани ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb), олмани цитоспориоз (*Cytospora sp.*) касалликлари билан зарарланишини башорат қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

экин майдонларининг GIS технологияси бўйича рақамли хариталари тузилган ва шу асосида зараркунанда ва касалликларга қарши кураш тадбирлари олиб борилган;

GIS технологияси асосида зараркунанда ва касалликлар ривожланишини башорат қилиш ва кураш муддатларини аниқлаш дастури ишлаб чиқилган;

ғўзада ғўза тунламига (*Heliothis armigera* Hb) қарши биологик кураш усулини, мевали боғларда цитоспориоз (*Cytospora sp.*) касаллигига қарши кураш чора-тадбирларини GIS технологияси асосида олдиндан белгилаш усули жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация иши тадқиқотларнинг замонавий усул ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, олинган натижалар назарий-амалий ёндошувлар асосида олинганлиги, амалий натижаларни назарий натижаларга мос келиши, лаборатория ва дала тадқиқотлари ўзаро такқосланганлиги, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, дала тажрибаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ва олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, фермер хўжалиги ходимлари ва кишлоқ хўжалиги мутахассислари учун ишлаб чиқилган тавсиялар жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилояти шароитида мавжуд маълумотлар базаси асосида GIS дастурини қўллаш асосида, зарарли чигирткалар, ғўзани ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb), олмани цитоспороз (*Cytospora* sp.) касалликлари билан зарарланишини башорат қилиш ва улардан химоя қилиш усулларининг илмий асосланганлиги, ўсимликларни химоя қилиш тизимида рақамли хариталарнинг ишлаб чиқилганлиги, ер ости сувлари даражаларининг зараркунандалар ривожланишига таъсири исботланганлиги, GIS технологияси асосида осие чигирткаси (*Locusta migratoria* L.), ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb), шаҳар мўйловдори (*Aeolesthes sarta* Solsk), қайрағоч баргхўри (*Galerucella luteola* Müll), терак қандаласи (*Monosteira discoidalis* Jak), олманинг цитоспороз (*Cytospora* sp.) касаллиги ривожланиши экологик мониторинг қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк бор ўсимликларни химоя қилиш тизимида зараркунанда ва касалликлар ривожланишини аниқлашда GIS технологиясидан фойдаланилганлиги, зараркунанда ва касалликлар ривожланишини олдиндан башорат қилиш ва кураш тадбирларини ўтказишда GIS технологиясидан фойдаланиб, рақамли хариталар ишлаб чиқилганлиги, экинларда зараркунанда ва касалликлар ривожланишини мониторинг қилиш тизимининг рақамлаштирилганлиги, олдиндан аниқланган зарарли организмларга қарши ўз муддатида кураш чораларини олиб борилганлиги ва ўтказилаётган химоя тадбирларининг иқтисодий ва биологик самарадорликлари аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зараркунанда ва касалликлардан химоя қилишда GIS технологиясини қўллаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тақиқотлар натижалари асосида:

Хоразм вилояти шароитида Landsat сунъий йўлдоши орқали ўсимликлар биомассани аниқлаш, ҳаво намлигига таъсир қилувчи агроэкологик омилларнинг кўрсаткичлари асосида ғўза даласининг ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) билан зарарланишга мойиллиги бўйича таснифланган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамиятининг 25.09.2019 йилдаги № 01-13/912-сонли маълумотномаси). Натижада Агроэкологик омиллар кўрсаткичлари ва ғўза тунламининг даладан топилган тухумлари ўзаро корреляцияси 65,5 % ни ташкил қилди;

Landsat сунъий йўлдоши, миниметеостанциялар, агроэкологик омиллар кўрсаткичлари маълумотлари тезкор таҳлил қилиниб, ғўза далаларини ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) билан зарарланишга мойиллигини башорат қилиш ва биомахсулот тарқатиш усуллари Хоразм вилоятининг Хонқа тумани “Сарапаён биосервис” тасарруфидаги 100 га, Хива тумани “Даврон” фермер хўжалиги 62 га, Гурлан тумани “Баҳром Махфуза” фермер хўжалиги 52 га майдонга жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалиги вазирлигининг 30.10.2019 йилдаги № 02/021-3332-сонли маълумотномаси). Натижада ғўза далаларининг ғўза тунлами билан зарарланишга мойиллиги юқори бўлган майдонларга дастлаб 1 г дан 5x5 м схемада, зарарланишга мойиллиги кам бўлган майдонларга 0,5 г трихограмма тарқатилиб иқтисодий

самарадорлик 210 минг сўмни ташкил этган;

Хонқа тумани “Роззоқ” фермер хўжалиги 10 га, Хива тумани “Даврон” фермер хўжалиги 2 га, “Бахром Махфуза” фермер хўжалиги 2 га олма боғлари ер ости сувларини тезкор ўлчаб турувчи қурилмалар ўрнатилган. (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 30.10.2019 йилдаги № 02/021-3332-сонли маълумотномаси). Ер ости сувлари сатҳи кескин ва катта диапазонларда ўзгарадиган олма боғларда цитоспороз касаллиги кўпроқ ривожланиши аниқланган ва цитоспороз касаллиги пайдо бўлгандан сўнг эрта баҳорда яъни тиним даврида 3% бордо суюқлиги ва гуллашдан давридан кейин Фундазол 500 г/ кг қўлланилган фунгицидларни самарадорлиги паст бўлиб, 56.6% ни ташкил этган.

Хоразм вилоятининг тажриба олиб борилган фермер хўжаликларида ер ости сувлари сатҳи текшириб борилди (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 30.10.2019 йилдаги №02/021-3332-сонли маълумотномаси). Натижада ер ости сувларининг сатҳи кескин ва катта диапазонларда ўзгарган майдонларга касаллик тарқалишидан олдин тиним даврида 3% бордо суюқлиги ва гуллаш давридан кейин “Фундазол” 500 г/ кг н. кук. қўллаб туриш самарали усул эканлиги аниқланиб, ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши ўртасидаги фарқ билан цитоспороз касаллиги тарқалиши ўртасидаги корреляция 70,76%ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотлар Хоразм Маъмун академияси томонидан апробациядан ўтказилди. Натижалар асосида жами 6 та тезислар чоп этирилган, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 та монография, 1 та услубий қўлланма, 1 та муаллифлик гувоҳномаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақолалар, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «Ўсимликларни химоя қилиш соҳасида географик ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича адабиётлар шарҳи баён этилган. Энг хавфли зараркундалардан осие чигирткаси (*Locusta migratoria* L.), унинг тарқалиши бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг ишлари, ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) биоэкологик хусусиятлари, уларни GIS технологиялари асосида ўрганиш ва олма боғларида учраётган цитоспороз (*Cytospora* sp.) касалликлари, уларнинг тарқалиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу мавзунинг ҳозирги аҳволи, ғўза ва уни зарарли организмлардан химоялаш масалалари ҳамда кишлоқ хўжалик экинларини зараркунда ва касалликлардан химоя қилишда GIS технологияларини қўллаш имкониятлари, бу борада ўтказилган тадқиқотларнинг ҳолати ва мавжуд муаммолар аниқлаб берилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар ўтказиш жойи, иқлим шароити ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг (Хоразм воҳасининг Хонқа, Гурлан, Хива ва Урганч туманлари, Мўйнок тумани) иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари аниқланган ва иш услублари ишлаб чиқилган. GIS технологияси асосида таҳлил қилишда Landsat 8 OLI сунъий йўлдоши маълумотларидан фойдаланилган.

Бобда тадқиқотда ишлатилган турли мақсадларни кўзлаган усул ва услублар келтириб ўтилган (Б.А.Доспехов, Ш.Т.Хўжаев таҳрири остидаги услубий кўрсатмалар ва б.). Ғўза, унинг асосий зараркундаси – ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) ҳолатини башорат қилиш ва назорат қилишда Х.Қ.Яхьяевнинг автоматлаштирилган тизимини қўллаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «Кишлоқ хўжалик экинларининг зараркундаларини экологик мониторинг қилишда GIS технологияларидан фойдаланиш» деб номланган учинчи бобида Қуйи Амударё дельтасида осие чигирткасини (*Locusta migratoria* L.), тарқалишини GIS технологиялари асосида башорат қилиш усуллари кўрсатилган. 70 минг гектар майдонда чигирткалар тарқалиши аниқлаб берилган. Бунда Орол денгизи атрофида қамишзорлар майдонининг ортиши, сув сатҳининг кўтарилиши ёки пасайиши чигирткалар кўпайиши учун қулай шароит туғдириши асос қилиб кўрсатилган. Бу кўрсаткичлар ернинг сунъий йўлдош MODIS маълумотларидан олинган ва қамишзорларнинг координаталари бўйича хариталари ишлаб чиқилган. Мевали дарахтлардан олма дарахтининг шаҳар мўйловдор қўнғизи (*Aeolesthes sarta* Solsk) билан зарарланиш даражаси аниқланган ва тарқалиш ўчоқларининг электрон рақамли хариталари ишлаб чиқилган. Қайрағоч барғхўр қўнғизи (*Galerucella luteola* Müll), терак қандаласи (*Monosteira discoidalis* Jak), GIS технологиялари асосида экологик мониторинг қилинган. Мазкур зараркундаларни тарқалиши бўйича электрон хариталар ишлаб чиқилган. Бу хариталар GIS дастури асосида тайёрланган бўлиб зараркундалар тўғрисидаги маълумотлар агроэкологик омиллар билан қиёсий таҳлил қилинган. Ҳашаротларни тарқалиш ўчоқларини ҳисобга олиб боришда

электрон хариталардан фойдаланиш усуллари кўрсатилган.



1-расм. Хоразм вилояти учун экинларнинг вегетация даври давомида берилган суғориш суви миқдори “Амударёчапқирғоқ” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумоти (2013-2017йй.).

Биз ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) тарқалишини вилоятда суғориш учун сарфланган сув миқдори асосида таҳлил қилдик. Вилоятга ажратилган суғориш сувлари миқдори “Амударёчапқирғоқ” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳисоботларидан олинди. Бунда вилоятда суғориш суви миқдорининг ортиши ғўза тунламини ёппасига кўпайиб кетиши боғлиқ бўлиши кузатилди (1-расм).

Ўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) жуда хавфли зараркунанда бўлиб, ривожланиши учун табиий шароит қулай бўлган йиллари пахтачиликка катта зарар келтиради. Адабиётлар маълумотларига кўра, кимёвий заҳарларга бардошлилиги уларга қарши курашни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам пахтачиликда ғўза тунламини кўпайишини олдиндан аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Хоразм вилояти шароитида ғўза тунлами ёппасига кўпайган йиллари, «Амударёчапқирғоқ» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳисобларидан олинган, Хоразм вилоятига ажратилган умумий суғориш сувлари миқдори билан қиёсий таҳлил қилинган. Вилоятда ортиқча миқдорда суғориш сувлари ажратилган йиллари ғўза тунлами кўп тарқалишини аниқланганлиги биологаториялар биомахсулот тайёрлашни режалаштиришига имкон беради.

Олинган натижалар намлик юқори бўлиши ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) ривожланиши учун қулай шароит туғилишига олиб келишини кўрсатади. Айниқса иқлими қуруқ бўлган вилоят шароитида ҳашаротлар учун намлик муҳим аҳамият касб этади. Ўза тунлами капалагининг личинка ва тухумлар сони Хазорасп, Хонқа, Қўшқўпир, Янгибозор туманлари далаларида

текширилиб борилди (1-жадвал). Ғўза далаларида ғўза тунламининг (*Heliothis armigera* Hb) атроф-мухит омилларига боғлиқ равишда тарқала бошлаши GIS технологиялари асосида башорат қилинди. Бунинг учун Хоразм вилоятининг 84 та ғўза далаларда ғўза тунлами тухумлари сони аниқланиб, уларнинг рақамли хариталари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган хариталар УрДУ лабораториясида мавжуд GIS базаси билан киёсий таҳлил қилинди. Ғўза тунламининг даладаги тухумлар сони билан солиштириб ўрганилди.


1-жадвал

Дала шароитида аниқланган зараркунанда ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) нинг тухумлари сони (2013-2017йй.).


Йиллар	Хазорасп	Хонқа	Кўшкўпир	Янгибозор	Ўртача
Бир туп ғўзадаги тухумлар сони, дона					
2013	0,3	0,5	0,3	1,0	0,525
2014	0,01	0,05	0,01	0,5	0,1425
2015	2,1	3	2,3	3,5	2,725
2016	0,01	0,05	0,01	0,5	0,1425
2017	0,5	1,0	0,5	1,5	0,875
Ўртача	0,584	0,92	0,624	1,4	0,74125

Тупроқ механикавий таркиби, ер ости сувларининг сатҳи ва шўрланиш даражаси, тупроқларни бонитет бали, NDVI индекси каби агроэкологик кўрсаткичлар асосида кўп омилли таҳлил қилиниб, ғўза тунлами ва юкорида кўрсатилган омиллар киёсий ўрганилди.


Хоразм вилояти тупроқларининг- механик таркиби бўйича хариталар (2-расм) келтирилган. Бу хариталарда механик таркиби енгил бўлган тупроқлар тўқ тусда бўлиб оғирлашгач оч тусга кира борганлиги кўрсатилган. Ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) билан кам зарарланган майдон яшил нуқталар ва кучли зарарланган далалар қизил нуқталар шаклида кўрсатилган ва механик таркиб билан киёсланган (3-4-расм).



2-расм. Хоразм вилоятининг тупроқ механик таркиби




3-расм. Урганч тумани далаларида ғўза тунламининг тарқалишини тупроқ- механик таркиби кўрсаткичлари билан таққослаш харитаси



4-расм. Боғот тумани далаларида ғўза тунламининг тарқалишини тупроқ- механик таркиби кўрсаткичлари билан таққослаш харитаси

Шу тартибда бошқа агроэкологик омиллар билан қиёсий таҳлил қилинган. Ғўза далаларида NDVI индекси ва ғўза тунлами тухумлари сони ўртаси ўзаро боғлиқлик таҳлил қилинган. NDVI индекси билан ғўза тунламининг даладаги сони ўртасидаги корреляция 30.5% ташкил қилди. Агроэкологик омилларни ғўза тунламининг даладаги сони таҳлил қилинганда 64.5% корреляция борлиги аниқланди.

Ғўза далаларида ўсимликларни биомасса кўрсаткичи билан агроэкологик омиллар қиёсий таҳлил қилинди (5-расм). Ғўза ғовлаб кетган далаларда NDVI индекси паст бўйли ғўза далаларга нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Бу эса ғовлаб, ўсиб кетган ғўза далаларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Фақат бу кўрсаткичнинг ўзи далада ғўза тунлами кўпайишини кўрсатувчи омил бўлиши учун етарли эмас. Шу сабабли бошқа экологик омилларнинг биргаликдаги таъсирини ўрганиш учун кўп омилли диффузион таҳлил қилинди.



5-расм. Ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Нв) тухумлари сони ва NDVI, агроэкологик омиллар ўртасида боғлиқлиги (2016-2017йй.).

Агроэкологик омиллар сифатида тупроқ механикавий таркиби, каналларнинг зичлиги, дренажларнинг зичлиги, ер ости сувларининг сатхи, ер ости сувлари минерализацияси, тупроқ бонитет бали, даладаги экин биомассасини ифодаловчи NDVI индекси қабул қилинди.

2-жадвал

Далада агроэкологик омилларни ғўза тунлами (*H.armigera* Нв) тухум қўйиши эҳтимоллиги бўйича таснифланиши.

№	Омиллар	Таснифи				
		Жуда қулай	Қулай	Ўртача	Паст	Ноқулай
1.	Каналлар зичлиги, м/га ⁻¹	>8	8-6	6-4	4-2	<2
2.	Дренажлар зичлиги, м/га ⁻¹	>40	40-30	30-20	20-10	<10
3.	Ер ости сув сатхи, м	<0.5	0.5-1	1.0-1.5	1.5-2	>2.0
4.	Ер ости сув минераллашуви, г/л	<1.0	1-3	3.0-5.0	5-10	>10.0
5.	Тупроқ механик таркиби, ил заррачалар микдори, %	>60.0	45	30	20	10.0
6.	Тупроқ бонитети, балл	>70.0	70-60	60-50	50-40	<40
7.	NDVI, ўсимлик биомассаси	>0.7	0.7-0.5	0.5-0.4	0.4-0.3	<0.3

Агроэкологик омиллар бўйича ғўза тунлами билан зарарланишга мойил майдонларни таснифлаш шкаласи ишлаб чиқилган (2-жадвал). Бунда омилларни даладаги ғўзанинг ҳолатига ва даланинг атмосфера ҳавоси намлигига таъсир қилиш хусусиятлари, ғўза тунламининг биологик хусусиятлари эътиборга олинган.

Диссертациянинг “Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари касалликларини GIS технологияси асосида экологик мониторинг қилиш” деб номланган IV бобда Хоразм вилояти шароитида касалликлардан “Ренет Симеренко” навли олмазорларда цитоспороз касаллигини тарқалиш ўчоқлари аниқлаш бўйича 50 та далада экологик мониторинг қилинган ва уларни электрон хариталари ишлаб чиқилган.


Бу маълумотлар асосида зараркунанда организмларни ривожланишини башорат қилиш моделлари каби масалалар ёритиб берилган. Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича ишларни режалаштириш ва ташкиллаштириш, зарарли организмлар популяциясининг тарқалиши ва ривожланиши турнинг, экинларнинг физиологик ҳолатига ва экологик вазиятга таянади.

Касаллик чақирувчи замбуруғлар соф культураси олма дарахтидан ажратиб олиниб унинг морфологик хусусиятлари ўрганилди. Табиий шароитлар тўғрисидаги маълумотлар базасидан фойдаланиб GIS дастури асосида зараркунанда организмларни тарқалиш ўчоқлари таҳлил қилиш имкониятлари ёритиб берилган. Буларнинг барчаси зарарли организмлар популяцияси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва кузатиш тизимини осонлаштириш имконини беради. Олма дарахтларида цитоспороз касаллиги морфологик хусусиятлари тадқиқ қилинди (6-расм).



6-расм. Цитоспороз касаллигини тарқатувчи замбуруғнинг *Cytospora sp.* морфологик хусусиятлари (1-зарарланган дарахт пўстлоғи, 2-конидиялари, 3-колониялари).

Ер ости сувлари сатҳи ўзгариши ва цитоспороз касаллиги тарқалган майдонларнинг координаталари олиниб уларнинг корреляцияси GIS дастури асосида ўрганилди ва EXCEL дастури асосида корреляцияси аниқланди.



7-расм. Олма боғларида ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришини цитоспороз касаллиги ривожланишига боғлиқлиги (2013-2017йй.).

Ер ости сувлари сатҳининг кескин катта диапазонларда ўзгариши, максимал ва минимал кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларни ифодаловчи қийматлари ва олма боғларини цитоспороз касаллиги билан зарарланиши ўртасидаги корреляция ўрганилди (7-расм). Ер ости сувлари минерализацияси ва сатҳи тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида бу корреляция 70% ни ташкил қилиши аниқланди.

Маълумотлар Хоразм вилояти бўйлаб ўрнатилган 2100 та кудуқлардан йиғиб борилди. Бу кудуқлар Хоразм мелиорация экспедицияси ходимлари томонидан ҳар 15 кунда текширилиб турилди ва GIS дастурига киритиб борилди. Бу маълумотлар ўсимликларни химоя қилишда фойдаланилди. Олинган маълумотлар асосидаги Хоразм вилояти шароитида GIS маълумотлар базаси ёрдамида масофадан туриб цитоспороз касалликларига мойил майдонларни башорат қилиш ва касаллик пайдо бўлишидан олдин ўша майдонларга ишлов бериш имконини берди.

Диссертациянинг «GIS технологияси асосида ўсимликларнинг

зараркунанда ва касалликларга қарши кураш самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан химоя қилишда биологик кураш воситаларини режалаштириш меъёрлари ишлаб чиқилиб, тадқиқотлар натижаларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тажрибалар Хонқа туманида фаолият олиб бораётган, “Сарапаён биосервис” ва Хива туманида “Давронбек” фермер хўжаликларида ўтказилди. Цитоспороз касаллигига қарши курашда анъанавий усулга нисбатан гектарига олмадан 140 минг, ғўзадан 210 минг сўмгача иқтисодий самарадорликка эришилди.

Олма боғларидаги цитоспороз касаллигига қарши курашда ўсув даврида “Фундазол”, “Импакт”, “Топсин-М”, тиним даврида эса 3% бордо суюқлиги фунгицидлари қўлланилиб мос равишда 56%, 46,9%, 52,1%, 40,5% самарадорликка эришилди ва олдиндан башорат қилиш орқали зарарланиш камайди.

Хива туманида “Давронбек” фермер хўжаликларида, Хонқа туманида “Сарапаён биосервис” фермер хўжаликларида ғўза тунламига қарши кураш бўйича тажрибалар ўтказилди. Бунда GIS технологияларини қўллаш орқали анъанавий усулларга нисбатан юқори иқтисодий самарадорликка эришилди. Биомасулотлардан трихограммани далага тарқатиш тизимда қўлланилди. Ғўза тунлами ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган далаларга дастлаб трихограмма тарқатилди. ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) тарқалиш эҳтимоли кам бўлган далаларга кейинги навбатларда тарқатилди.

ХУЛОСА

Фалсафа доктори даражасини олиш учун “Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш тизимида GIS технологияларидан фойдаланиш асослари” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Масофадан зондлаш усуллари асосида осие чигирткасининг (*Locusta migratoria* L.) Амударё дельтасида ривожланиш ўчоқларининг майдони аниқланди.

2. Хоразм вилоятида чўл зонасида экилган теракларда терак қандаласи (*Monosteira discoidalis* Jak), қайрағоч барғхўри (*Galerucella luteola* Müll), шаҳар мўйловдор кўнғизлари (*Aeolesthes sarta* Solsk) тарқалиш ўчоқлари аниқланиб уларнинг электрон хариталари ишлаб чиқилди.

3. Ғўза далаларида биомасса NDVI кўрсаткичи ва атмосфера хавосининг намлиги ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) пайдо бўлишига мойил далаларни аниқлаш учун янги усуллар ёрдамида ҳар бир даладаги гигрометрик маълумотларни тўплаш, уларни қиёсий таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди.

4. Ғўза даласидаги биомасса NDVI индекси ва ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) тухумлари тарқалиши ўртасидаги корреляция 30,5% бўлиши ва комплекс агроэкологик омиллар билан ғўза тунламининг даладаги тухумлари ўртасидаги корреляция 64,5% эканлиги кўрсатиб берилди.

5. Хоразм вилояти шароитида ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) билан зарарланишга мойиллиги бўйича агроэкологик омилларнинг кўрсаткичлари асосида таснифланган, агроэкологик кўрсаткичларни баҳолаш GIS маълумотлар базаси асосида олиб борилиши самарали усул эканлиги аниқланди.

6. Хоразм вилояти шароитида “Ренет Симеренко” нави 2013-2014 йиллардан бери хавфли касаллик - цитоспороз билан зарарланиши исботланди ва бу касалликни *Cytospora sp.* кўзгатиши аниқланди.

7. Хоразм вилояти шароитида олманинг “Ренет Симеренко” навида цитоспороз касаллиги пайдо бўлиши ер ости сувларининг кескин ва катта диапазонларда ўзгариши билан корреляцияси 70,76% эканлиги кўрсатиб берилди.

8. Зарарланган майдонларга ўсув даврида “Фундазол”, “Импакт”, “Топсин-М” перепаратлари, бордо суюқлигининг 3% ли эритмаси эрта баҳорда қўлланилиб уларнинг самарадорлиги мос равишда 56,6%, 45,0%, 52,1%, 40,0% бўлиши қайд этилди.

9. Ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) ривожланиши башорат қилинган майдонларга биринчи бўлиб трихограмма қўллаш юқори самара бериши аниқланди.

10. Зарарланишга мойиллиги паст бўлган ғўза далаларига 0,5 г, зарарланишга мойиллиги юқори бўлган ғўза далаларига 1 г трихограммани 5x5 м схемада қўллаш орқали трихограмма тежалишига эришилди.

11. Хоразм вилояти шароитида қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ва касалликларини GIS технологиялари асосида экологик мониторинг қилиб боришни жорий қилиш тавсия қилинади.

12. Ғўза далаларида ғўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb) тухумлари кўпайишига мойил майдонларни аниқлаш ва дастлаб мойиллиги юқори бўлган майдонларда тезкор кураш чораларини олиб бориш ишларини йўлга қўйиш тавсия қилинади.

13. GIS технологиялари орқали зараркунанда ва касалликлар тарқалишини экологик мониторинг қилишни рақамли электрон хариталар асосида кўп йиллик архив маълумотларини шакллантириб бориш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УРГЕНЧЕСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РУЗМЕТОВ РАСУЛ СОБИРОВИЧ

**ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ GIS ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ
БОРЬБЫ ПРОТИВ ВРЕДИТЕЛЕЙ И ЗАБОЛЕВАНИЙ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Qx215

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете и Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Абдуллаев Икрам Искандарович,
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Торениязов Елмурот Шерниязович,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Зупаров Миракбар Абзалович,
кандидат сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация: АНРУз институт зоология

Защита диссертации состоится 06 ноября 2020 года в 15³⁰ часов на заседании Научного Совета DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: taug-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 2572411). Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан 13 ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 09.2 от 22 октября 2020 г.).



Б.А.Сулаймонов,

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х. Юлдашов,

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., профессор

Э.Т.Бердиев,

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день по всему миру, из вредных организмов сельскохозяйственных культур, известно 30 тысяч видов сорняков, 100 тысяч насекомых, 3 тысячи нематод, 12 тысяч микроскопических грибов, 100 видов бактерий, 600 видов вирусов. Они приводят к снижению урожая культур в среднем на 33,7%. Снижение урожайности составляет: из-за повреждения заболеваниями 12%, насекомыми 12% и сорняками 10%. Имеются сведения о том, что в США вредные организмы наносят ущерб в 9,1 миллиард долларов в год, из них ущерб насекомых составляет 7,7 миллиард долларов. Установлено, что 16% гибели урожая хлопчатника связано с насекомыми, а 14% с заболеваниями. Соответствующие данные были получены и при изучении гибели урожая в Китае¹.

В мире уделяется огромное внимание использованию GIS технологий в системе защиты растений. Разработаны методы определения территорий распространения насекомых-вредителей и болезней растений, анализа многолетних географических данных, определения очагов проявления вредоносных организмов на основе изменения экологических факторов и создания их карт. Увеличивается число исследований, направленных на прогнозирование распространения хлопковой совки и других вредных организмов с помощью сведений от искусственных спутников Земли и анализа многолетних полевых данных.

В нашей республике такие насекомые как озимая совка, хлопковая совка, дикая совка приводят к гибели 30-40% урожая хлопчатника, овощей и других сельскохозяйственных культур. В связи с этим, необходимо уделить отдельное внимание прогнозированию степени распространения вредителей и болезней по районам на основе GIS технологий, и научным исследованиям по контролю и борьбе против них. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены приоритетные задачи по «Разработке и внедрению мероприятий по защите растений от болезней и вредителей».² В настоящее время проявляется необходимость получения объективных сведений о вредителях, болезнях и состоянии сорняков на основе цифровых технологий, а также проведения мероприятий по борьбе с ними, исходя из данных об экологических факторах и их изменениях. Оперативный сбор и обработка этих данных является одной из наиболее актуальных задач. При сборе, обработке и сравнении данных очень удобно использование GIS технологий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента РУз № УП-5806 от 30 августа 2019 года «О развитии космической деятельности в Республике Узбекистан», Постановлении Президента РУз № ПП-2460 от 29 декабря 2015

¹ Флоров А.Н. Современные тенденции фитосанитарного мониторинга и прогноза // Вестник защита растений. Санкт-Петербург: Пушкин, 2010, №2 С 3-11.

² Мирзиёев Ш.М. УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" Указ Президента. - Ташкент, 2017 г. 2 февраль

года «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016-2020 годы», Государственной программе на 2020 год «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. С помощью световых капканов с предгорных территорий США собраны образцы *Helicoverpa zea*, и через GIS программу разработаны карты по плотности и ареалам их распространения. Лу вместе с исследователями, через вычисление повседневной температуры с помощью GIS программы исследовали методы определения территория появления *H.armigera* на территории провинции Синьцзян Китайской Народной Республики. Сотрудники Эдинбургского Университета и Института Природных ресурсов Великобритании в сотрудничестве создали систему RAMSES для контроля популяции пустынной саранчи.

В странах СНГ также проведены важные научно-исследовательские работы. Сотрудник Санкт-Петербургского Государственного университета И.В. Манылов проводил исследования по дистанционному зондированию состояния сельскохозяйственных земель и культур. В Институте космических исследований Российской Федерации В.О. Жарко проводил исследования по дистанционному изучению состояния лесных деревьев. В нашей республике научные исследования по прогнозированию размножения вредителей и развития заболеваний сельскохозяйственных культур, а также задачи использования методов биологической борьбы с ними на основе этих прогнозов проводились следующими учёными: Ларченко К.И, Адашкевич Б.П., Запевалова С.Б., Мороко О.П., Турапов, Ходжаев Ш.Т., С.Б., Яхяев Х.К. и Абдуллаевой Х.З.

